

БУХОРА ФОЛКЛОР ЭТНОГРАФИК МУСИҚА САНЬЯТИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8071801>

Бойниёзов Аслиддин Нормўминович
мустақил изланувчи

Мусиқий фольклор намуналари муайян бир ҳудудда яшовчи аҳолининг турмуш тарзидаги урф-одатлар, маросимлар, меҳнат жараёнлари билан узвий боғлиқ равишда юзага келгандир. Фольклор жанрларига асосланган ўзбек мусиқа санъати ва маданиятимиз жаҳон миқёсида шухрат қозониб, такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан Термиз шаҳрида ўтказилган тарихий аҳамиятга эга нуфузли “Халқаро баҳшичилик санъати фестивали” (2019 йил 5-10 апрель), Бойсун туманида ўтказилаётган “Бойсун баҳори” (2019 йил 28-29 апрель) анъанавий Халқаро очиқ фестивалини ўтказилиши фикримиз далилидир. Бухоро фольклори унинг тарихи каби қадимийдир. Шу узок тарихий тараққиётни бошидан кечирган ҳудудда жуда бой маънавий мерос - фольклор жамланган. Бухоро фольклори локал белгиларига кўра алоҳида ўзига хосликларга эга. Унинг мазмуни ва ғояси асосини чукур ҳалқчиллик ҳамда оммавийлик хусусияти белгилайди. Бухоронинг қадимий мусиқий туркумлари узок ўтмишдан эл орасида ўрганилиб, куйланиб, сайқалланиб келинаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Зеро, Бухоро фольклор қўшиқлари бошқа фольклор асарлари каби бир киши томонидан эмас, балки бутун бир бадиий жамоанинг ижодий тажрибаси асосида вужудга келган ва ижро этиб келинган. Узоқ йиллар давомида катта ёшдагиларнинг ижодкорлиги билан бир қаторда болалар, ёшлар фаолиятида ҳам фольклор соҳасидаги ижодий ишлар ривожланиб, сайқал топиб, такомиллашиб келган. Ушбу хусусиятни Бухоронинг “Мавриги”, “Бухорча” сидаги¹ болалар ва ёшлар фольклор қўшиқлари туркумларида ҳам кўришимиз мумкин. Бу эса қадимдан бадиий сўз - ёш авлод таълим-тарбиясида муҳим кучли ва жозибали восита сифатида қаралганлигидан, фольклор жанридаги қўшиқларини бадиий сўз мўъжизаси ҳамда мусиқанинг сеҳрли оҳанги уйғунлигига вужудга келганлигидан

¹ Сафаров О., Атоев О., Ф. Тўраев. “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари. Тошкент. “Фан”. 2005. Б. 4.

далолат бериб туради. “Бухорча” асосан бухороликлар орасида вужудга келган бўлиб, узок асрлар давомида эл орасида табиий жараёнда ижро этилиб келган қўшиқлар туркумидир.

Фольклоршунос олимлар Т. Мирзаев ва М. Жўраевларнинг таъкидлашича, - “Бухорча” асосан бухороликлар орасида вужудга келиб, узок асрлар давомида ижро этилиб келган қўшиқлар туркуми саналса, “Мавриги миграцион қўшиқ ва рақслардан таркиб топган гўзал силсила бўлиб, бухороликларнинг ижрочилик маҳорати ва поэтик санъаткорлиги туфайли сайқал топган фольклор асарларидир²”. Мусиқий қадриятларимизни ўрганиш, асрраб-авайлаш ва бойитиш, ўзбек мусиқа фольклорини, жумладан Бухоро мавриги ва тароналарини янада ривожлантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада ошириш рағбатлантириш, ёшлар онги ва қалби мустақиллик ғояси юқори маънавият ва инсонпарварлик анъаналари садоқат туйғуларини янада ривожлантиришга қаратилгандир.

Ўзбек мусиқа тарихи саҳифаларида “Бухорча” га эгизак туркум ҳисобланган “Мавриги” қўшиқларининг ижро хусусиятлари, тарихий асослари, ижрочилар репертуарининг ўзига хос хусусиятларига оид жуда бой маълумотлар тўпланган. Қадимий туркум қўшиқларининг мелодик тузилиши ва бадиий ижрочилик услуби ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади. Туркумнинг ҳар бир пайтда вазмин ижрода янграйдиган лирик тароналар билан бирга жўшқин, чаққон ва тез темпдаги уфор усулида куйланувчи қўшиқлар ҳам жой олган.

Профессор Ф. Кароматовнинг “Ўзбек халқ мусиқаси” га бағишилаб ёзилган китобида лад хусусиятларига оид мулоҳазаларининг нақадар ҳаққонийлигини яна бир маротаба яққол тасдиқлайди. Бухоро болалар фольклори айнана болалар олами билан катталар дунёсининг уйғунлашуви оқибатида юзага келган ўйинлар, қўшиқларининг бутун бир тизими тарзида таркиб топган. Бухоро болалар фольклор қўшиқларини яртишда катталар ҳам болалар ҳам биргаликда, баравар ҳисса қўшган. “Бухорча” тароналаридан “Не-не, дилакум, бобо”, “Духтари Бухороя гиред”, “Суруди мўлжар”, “Мавриги” ҳазил ва лирик тароналаридан “Бале мурғак”, “Уштур ба чаман, дар баланди-е”, “Дупар газид” каби қўшиқларда ҳайвонлар, ҳашаротлар ва паррандалар таъриф этилиб, азалда дойралар жўрлигига ижро этилган ва турли ёшдаги тингловчиларнинг севимли тароналарига айланган. Бу тароналар турли-туман маросимларда, оммавий сайл-

² Сафаров О., Атоев О., Ф. Тўраев. “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари. Тошкент. “Фан”. 2005. Б. 4.

томашаларда ижро этиб келинган бўлиб, асрлар давомида изчил сайдалланиб келиши натижасида муайян қўшиқчилик анъаналари, туркум қўшиқлар силсиласи ва унинг бадиий жиҳатдан мукаммал матнлари юзага келган.

Фольклоршунос олимлар О. Сафаров, О. Атоев, Ф. Тўраевларнинг “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари китобида нота ва матнлардан ташқари фақат Бухоро воҳасигагина хос икки мусиқий туркумнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш тарихи, композицион таркиби, тараққиёт жараёнидага ижро ва ғоявий-бадиий хусусиятлари чуқур тадқиқ этилган. Бухоро халқ қўшиқлари болаларни миллий мусиқа санъатига қизиктиришнинг самарали воситаси. Зеро, уларда шеърнинг ўз куи, олдиндан таниш бўлган характеристи, мазмуни билан тингловчи хотирасига мустаҳкам муҳрланиб қолади. Шу жиҳати билан мусиқа фолькори миллий мусиқа маданиятининг ажralmas қисми сифатида қадрланади ҳамда ёшларнинг таълимтарбиясида муҳим ўрин эгаллайди. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда ўқитувчи энг аввало миллий мусиқий тарбия воситаси – маҳаллий фольклор куй ва қўшиқларни ўқувчи-ёшларнинг онги ҳамда қалбига сингдириши, фольклор асарларининг тарбиявий таъсири ҳамда мусиқий маданият тарбиясини амалга оширишдаги ўрнини теран англамоғи лозим.

Фольклор барча санъатнинг бошланиши, сарчашмаси, шу сабабли ҳам бошқа кўпгина санъатлар билан уйғунликка эга, шунинг билан бирга ҳеч бирига ўхшамаган ўзига хослиги билан ажralib турувчи алоҳида санъат туридир. Бу соҳа ўз ичига мусиқа, рақс, хунармандчилик, тасвирий, бадиий ва бошқа санъатлар билан боғлиқ тасаввурларни қамраб олади. Оғзаки ижод халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида ифода этувчи, унинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ ижодий жараёндир. Шунинг учун ҳам алломаларимиз уни эл адабиёти деб атаган. Бирор бир халқнинг қандай халқ эканлигини билиш учун даставвал унинг фольклорига назар солиш лозим бўлади. Халқ ижоди бу чинакам маънодаги доимий ўзгариш, доимий ҳаракатдаги санъатдир.

Яъни, халқ ижоди намуналари ҳар галги ижрода анъаналарнинг давомийлигини сақлаган ҳолда муттасил янгиланиб, ўзгариб, мукаммаллашиб бораверади. Шунинг учун ҳам халқ ижоди намуналари қўплаб вариантлиликка эга. Ана шу вариантлилик халқ оғзаки ижодининг ўзига хослигини таъминлаб берувчи энг муҳим жиҳатлардан биридир. Фольклор жанрлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан узвий боғлиқ. Халқ ҳаётидаги тарихий ўзгаришларга кўра, улар ҳам ўзгара борган. Қай бир жанрлар ёки намуналар бутунлай йўқолган, янгилари юзага келган. Шунинг

учун ҳам уларда кўп қатламлилик мавжуд бўлиб, узоқ ижро давомида бир неча даврлар ўз изини қолдирган. Жанрларнинг босқичли тараққиёти ва тарихий типологик нуқтаи назардан қарагандা, энг қадимги даврларда қўпчилик халқларда мифлар, уруғ ва қабилалар ҳақидаги афсона ва ривоятлар, топишмоқ ва мақоллар, олқишиш ва қарғишлар, мавсум маросим фольклори намуналари, меҳнат қўшиклари кенг тарқалган. Кейинги даврларда эса, эртаклар, эпоснинг архаик шакллари юзага келган. Патриархал уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва ilk давлатларнинг шаклланиши даврида қаҳрамонлик достонлари яратилган. Кейинроқ романник эпос, лирик ва тарихий қўшиклар, оғзаки драма, латифа ва лоффлар пайдо бўлган.

Мустақиллик, умуман, халқ қадриятларига, хусусан, халқ оғзаки ижодига бўлган муносабатда кескин ижобий ўзгариш ясади. "Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий - ахлоқий негизлари" дейилганда: "Янги Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг йўли тўртта асосий негизга асосланади". "Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- "ватанпарварлик" - деб белгилаб қўйилган³.

Самарқанд ва Бухоро қадим-қадимдан нафақат ўрта осиё, балки бутун шарқда маълум ва машҳур илм-фан, маданият ўчокларидан бири бўлиб келган. Бу воҳада буюк мутафаккирлар, олимлар, файласуфлар, мусиқачи санъаткорлар етишиб чиқкан. Ҳозирги пайтда дунёning деярли барча мамлакатларидаги тегишли санъат муассасаларида фольклор секторлари мавжуд. Шунингдек, турли мамлакатларда халқаро ёки муайян минтақа бўйича ҳар хил жамиятлар ҳам бор. Масалан, ЮНЕСКО ҳузуридаги Этнология ва фольклор халқаро жамияти, Халқ мусиқаси халқаро кенгаши, Фольклор ўртоқлик жамияти кабилар шундай илмий ташкилотлардир. Ўзбек фольклори намуналарини тўплаш ва нашр этиш ишлари 19-асрнинг 2 ярмидан бошлаб аҳён-аҳёнда қўзга ташланиб турсада (Ҳ.Вамбери, Н.П.Остроумов тўпламлари, "Хикояти Гўрӯғли султон", "Юсуф билан Ахмад" каби нашрлар), уни чинакамига тўплаш ва нашр этиш ишлари 1919 йилдан йўлга қўйила бошланди. Янгича йўналишда шаклдана бошлаган ўзбек фольклорининг дастлабки босқичи (1918 – 25 йиллар) ўша давр

³ Соипова.Д.Мусиқа ўқитиши назарияси ва методикаси.Ўқув қўлланма.-Т,- Фан ва технологиялар маркази нашриёти, 2009-йил.

шарқшунослиги ва ўлкашунослиги эришган ютуқларни изчиллик билан ўзлаштиришга интилиш, фольклор материалларини жадал жамлаш, халқ ҳаёти ва майший турмушининг барча томонларига кириб боришга уриниш билан ажралиб туради. Бунда Фози Олим, Гулом Зафарий ва Элбекларнинг фаолиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. 20-йилларнинг 2 ярмидан бошлаб яна хам жиддий ютуклар қўлга киритилди. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир каби атоқли достончилар аникланди. Улар ижросида биринчи марта эпик асарлар тўла ёзиб олина бошлади, халқ санъаткорларига ижодкор сифатида қараб, оригинал кузатишлар олиб борилди. Бу ишда ўзбек фольклоршунослиги ўзининг мустаҳкам илмий йўналишига эга бўлди, унинг асоси яратилди.

Фольклор термини ҳозир халқаро миқёсда кенг тарқалган бўлиб, Ғарб мамлакатларида халқ оғзаки бадиий ижодининг турли соҳаларини: оғзаки поэзия, халқ мусиқаси, халқ рақси, халқ нақошлиги, оғзаки насрый асарлар, халқ урфодати ва расм-руsumлари, эътиқоди билан боғлиқ асарларни ифодалайди. Туркий халқларда фольклор термини халқнинг оғзаки поетик ижодини, шунингдек, халқ қўшиғи, мусиқаси ва рақсини англатади. XX аср бошларида фольклор атамаси ўрнида “оғиз адабиёти”, “эл адабиёти”, “оғзаки поэзия” каби атамалар қўлланилган. Фольклор асарларини жанрларга ажратишда уларнинг уч хусусияти а) поетик системанинг муштараклиги; б) асарнинг майший-ҳаётини функцияси; в) ижро характеристи назарда тутилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, фольклор жанрлари тўрт турга бўлинади:

1. Лирик тур – халқ қўшиқларининг барча жанрлари;

2. Эпик тур – достон, эртак, ҳикоя, латифа, тарихий қўшиқ, ривоят, афсона ва ҳоказолар;

3. Драматик тур – оғзаки драмалар, асқия, лапар, айтишувлар, масхарабозлик, қизиқчилик ва бошқалар.

4. Махсус тур – халқ донолигининг ифодаси бўлмиш халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, топишмоқлар.

Оғзаки драма шаклига кўра фольклор иккига бўлинади. Бири – масхарабоз ва қизиқчилар театри, иккинчиси – қўғирчоқ театри.

Ўзбек фольклоршунослигида вариантиликини назарий жиҳатдан ёритган асосий тадқиқот сифатида Т.Мирзаевнинг “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари” ҳамда “Халқ баҳшиларининг эпик репертуари” монографияларининг вариант ва версияга бағишиланган қисмларини

келтириш мумкин⁴. Миллатимизнинг энг асосий ўзлигини англатувчи она тилимиз нафақат сўз ва оҳанг бойлигига, ифодавий хусусиятлари билан балки, ўлкамизнинг турли воҳаларида яшовчи юртдошларимизни ўзига хос “шева”ларда гапиришлари, турмуш тарзларида эса ўзаро фарқли маданий удумларни қўллашлари билан ҳам ажралиб, кўзга ташланиб туради. Бу хусусиятлар Ўзбекистондаги ҳар бир воҳанинг бошқа соҳаларда бўлгани каби мусиқа санъати амалиётида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Мусиқа санъатининг муайян воҳалардаги бундай ўзига хосликни умумийликда ифодаланиши маҳаллий мусиқий услугуб дейилади. Мустақиллик даврида фольклор тамомила янгича мазмун ва моҳият кашф этди. “Халқ баҳшиси” унвонининг жорий этилиши бу фольклор санъатига эътибор давлат миқёси даражаси эканини кўрсатади. Фольклор санъатига бағишлиланган қўплаб анжуман, фестивалларнинг бўлиб ўтиши бу санъатнинг маънавий ҳаётимизда ўрни баландлигидан далолат беради. Бироқ шундай бўлсада, бутун дунёга хос бўлган вариантларда секинлашиш, бузилиш жараёнлари, устозшогирдчилик анъаналарига риоя этмаслик, анъанада чекиниш ва ич овозининг йўқолиб бориши каби хусусиятлар бу санъатни ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бундай вазиятда эса фольклор санъатини кўпроқ тарғиб қилиш, ўрганиш, тадқиқ этиш самарали натижа беради.

Хуллас, халқимиз оғзаки ижодининг давлат мақомида эъзозланишини Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишининг ижобий натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Юртимиз баркамол авлодини халқ оғзаки ижодидан мукаммал маълумотга эга бўлмаган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекнинг бутун фазилати, фалсафаси, донолиги, дунёқарали, олий ҳимматлилиги, турли ҳаётий вазиятларга муносабати мақолларда акс этган. Инсондаги меҳнатга мухаббат, ишқ туйғулари қўшикларда энг гўзал ички кечинмалар сифатида ифодаланган. Эртакларда халқимизнинг энг олий орзу-хаваслари намоён бўлади. Улар билан танишган ёш авлод ўзбек учун ватан, халқ, оила, меҳнат, илм, ғурур нақадар муқаддас тушунчалар эканини англаб етади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3022 сонли қарорига кўра мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва

⁴ Кудратов. И. Талабаларни халқ қўшиклари билан эстетик тарбиялаш. Монография. Т.Фан, 2009 йил.

ахамиятини ошириш, ёш авлодимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури амалга оширилиб келинмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4320 - сонли . (lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022. <http://uza.uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб килиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-2995-сонли қарори. (lex.uz).
4. Сафаров О., Атоев О., Ф. Тўраев. "Бухорча" ва "Мавриги" тароналари. Тошкент. "Фан". 2005. Б. 4.
5. Соипова.Д.Мусика ўқитиш назарияси ва методикаси. Ўқув қўлланма.- Т,- Фан ва технологиялар маркази нашриёти, 2009-йил.
6. Кудратов. И. Талабаларни халқ қўшиклари билан эстетик тарбиялаш. Монография. Т.Фан, 2009 йил.